

# OILA DAVTRASIDA

№ 5 (351)  
2019 - yil  
7-fevral  
payshanba

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqq boshlagan.

## Президент Администрацияси хузурида Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ташкил этилди

— Мақолангизда жуда  
ўткир «саволлар»ни  
кўтарибсиз...



# ЖУРНАЛИСТ

Энди ҳимояланади...ми?



## БИЗ НИМАНИ озиклантиряпмиз?

2-бет

## ПЕНСИЯ ТАЙИНЛАШ янада соддалашди

2-бет



## ЧИҚҚАН ҚИЗ чиғириқдан ташқари

4-бет

## ТАРБИЯни ўзингиздан бошланг!

5-бет



## ҲУЖЖАТ АКЦИЯСИ нега оқсамоқда?

6-бет

## ГАЙМОРИТга болалар чалинмайдими?

7-бет



Демократия

Адолат

Биз назаримизни ҳамيشа ютуқларимизга тикамиз. Камчиликларимизни эса назарга илмаймиз. Натижада, адолатсизликка йўл кўямиз. Мана шу адолатсизлик табиатимиздаги мезон ва меъёрни бузиб кўяди. Кейин биз нафақат ўзимизга, балки ҳеч ким ва ҳеч нарсага одил баҳо бера олмаймиз...

Бунга ҳазрат Навоий қандай таъриф берган?

3-бет

Реклама



uzkitob.uz

«O'ZDAVKITOB SAVDOTA' MINOTI»  
КНИГИ

Манзил: Тошкент шаҳар Навоий кўчаси 30-уй  
Tel: (+998 71) 244-19-65 (+998 71) 244-19-91

Энг сара  
китоблар  
ассортименти

# Биз нимани озиклантиряпмиз?

**Бемор бўлишнинг бир яхши томони бор — ўйлашга, мушоҳада қилишга вақтингиз бемалол бўлар экан. Маълумки, одамзод тана ва рух (жон)дан иборат бўлади.**



**Хўш, руҳимизга нима хизмат қилади? Руҳнинг «озика»си нима? Қўша-қўша нақшинкор иморатлар, ялтир-юлтир кийим-кечак, дуру гавҳар керак бўлмаса, унда рух учун нима керак?**

Олимлар ўлим тўшагида ётган турли ёшдаги олти минг одамни текшириб кўриб шундай хулосага келган: беморнинг жони узилган пайти мурда 0,04 грамм энгиллашаркан. Демак, жоннинг оғирлиги 0,04 грамм келаркан. Шуниси кизикки, янги туғилган чақалоқ ўладими, 90 ёшли чол ўладими, оғирлиги бир хил — 0,04 грамм. Демак, рух қаримайдиган, танага бўйсунмайдиган, алоҳида яралган субстансия экан. Ўйлаб кўрсам, бутун жамият ана шу субстансия учун ишлар экан. Оғир ва энгил саноат, транспорт, қурилиш, озик-овкат саноати, бичиш-тикиш, сартарошхона ва гўзаллик салонлари, ресторанлар, поликлиникаю касалхоналар танамизга хизмат қилар экан. Буларнинг ҳеч бири руҳимизга керак эмас!

Кимматбаҳо хориж машиналарини ми-намиз, 80-90 кило келадиган гўштимизни у ёқдан-бу ёққа олиб бориш учун керак, руҳимизга кераги йўқ — у учиб юради. Совук еганимиз учун кийинамиз, рух эса совук ҳам емайди, исиб ҳам кетмайди. Танамиз учун қор-ёмғирдан тўсадиган бир бошпана керак, рух учун мутлақо кераги йўқ. Руҳга тилла тақинчоклар ҳам керак эмас. Ҳатто армия ҳам танамизга хизмат қилади — у ер-бу еримизга ўқ тегишидан, танамиз портлаб кетишидан асрайди.

Рухимиз у қадар инжик эмас. Унинг «нон»и — Аллоҳнинг қаломиню адабиёт ва санъат.

Шу пайт ҳаёл суришнинг белига тепиб, хамшира келиб қолди:

— Капилница олами-из!..

Игнадан илма-тешик бўлиб кетган била-гимга яна игна тикиб чиқиб кетди.

Булар тагин танамни даволашяпти...

**Шароф БОШБЕКОВ**

## Пенсия тайинлаш жараёни янада соддалашди

**Фуқароларнинг пенсияларини ҳисоблаш учун зарур бўлган ҳисобланган иш ҳақининг яқка тартибдаги ҳисобини юритиш фуқароларнинг Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўтказилган суғурта бадалларини яқка тартибда ҳисобга олишнинг марказлаштирилган электрон реестри базаси асосида ташкил этилади.**

Бу Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг пенсияларини ҳисоблаш учун зарур бўлган ҳисобланган иш ҳақининг яқка тартибдаги ҳисобини юритишнинг жорий этиш чора-тадбирлари ҳақида»ги қароридан белгиланган.

**Фуқароларнинг пенсияларини ҳисоблаш учун зарур бўлган ҳисобланган иш ҳақи суммалари тўғрисидаги маълумотлар 2019 йил 1 январдан бошлаб ҳар бир жисмоний шахс бўйича иш берувчилар томонидан давлат солиқ**

**органларида жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи бўйича солиқ ҳисоботи таркибидан белгиланган тартибда электрон шаклда тақдим этилади.**

Давлат солиқ қўмитаси:

2019 йил 10 февралга қадар Молия вазирлиги билан биргаликда фуқароларнинг Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўтказилган суғурта бадалларини яқка тартибда ҳисобга олишнинг марказлаштирилган электрон реестрини юритиш бўйича дастурий таъминотта Иш ҳа-

қини ҳисобга олиш реестрини юритишнинг назарда тутовчи ўзгартиришлар киритади ва уни солиқ органларининг ягона интеграциялаштирилган ахборот-ресурс базасига жорий этади;

фуқароларнинг пенсияларини ҳисоблаш учун зарур бўлган ҳисобланган иш ҳақининг яқка тартибдаги ҳисобини юритишнинг марказлаштирилган электрон реестрини шакллантириш ва юритиш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқариш ва белгиланган тартибда тасдиқлайди;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 мартдан бошлаб фуқароларга Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали фуқароларнинг ҳисобланган иш ҳақи суммалари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш бўйича давлат интерактив хизматини жорий этади.

## ДЕМОГРАФИЯ

### Аҳоли рўйхатга олинади! Қачон?

Мамлакатимизда 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепцияси ҳамда рўйхатга олишни ўтказишга доир комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Бу ҳақда Президент фармони эълон қилинди.

Аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга қўмаклашиш бўйича республика комиссиясининг асосий вазифалари белгиланди. Рўйхатга олиш ваколатли орган ҳамда бошқа давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамкорлигида олиб борилади. Бу ишга жисмоний ва юрид



## ҲУҚУҚ

### Суднинг қарорлари интернетга жойлаштирилади

Иқтисодий ишлар бўйича суд муҳокамаларида ошқораликни таъминлаш мақсадида Иқтисодий процессуал кодексида суднинг қонуний қучга кирган ҳал қилув қарорларини (ёпиқ суд мажлисларида чиқарилган ҳал қилув қарорлари бундан мустасно) тарафларнинг розилиги билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди расмий веб-сайтида эълон қилиниши шартлигига доир нормалар киритилмоқда.

Бу ҳақда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати хабар берди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда суд муҳокамаларида ошқоралик — уни видеоконференцалока режимида ўтказиш, онлайн тарзда узатиш ҳамда аудио ёки видеоёзувга олиш йўли билан таъминланмоқда. Суд ишида очиклик ва ошқораликни таъминлашдаги кейинги қадам эса, суднинг ҳал қилув қарорларини интернетда, шу жумладан, Олий суднинг расмий веб-сайтида эълон қилиш ҳисобланади.

Иқтисодий процессуал кодексида, бундан ташқари, иқтисодий судлар томонидан даъво суммаси кам миқдорда бўлган низоларни соддалаштирилган тартибда кўриш тўғрисидаги нормалар киритиш масаласини ҳам депутатлар муҳокама қилдилар.



## АВТОСАНОАТ

### Жиззахдаги автомобиль заводи қурилиши нега тўхтаб қолди?

Жиззах вилоятида бўлажак PSA Groupe автомобиль заводи майдончасида қурилиш ишларининг тўхтатилиши лойиҳа технологик концепциясини қайта кўриб чиқиш билан боғлиқ. Бу ҳақда «Ўзавтосаноат» компанияси бошқаруви раисининг техник сийбас ва маҳаллийлаштириш бўйича ўринбосари вазифасини бажарувчи Азизбек Шукуров Президент Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида бўлиб ўтган тадбирда маълум қилди.

«Технологик концепцияни қайта кўриб чиқаришимиз ҳақида айтаётганимиз туфайли деворлар ва томларнинг ўзидан ташқари, у ерда технологик ускуналар ҳам бўлиши керак. Автомобилсозликда асбоб-ускуна шунчаки ерга жойлаштирилмайди. Технологияга боғлиқ жиҳатлар ҳали тайёр эмас», — деди Шукуров.

Uzbekistan Peugeot Citroen Automotive Ўзбекистон — Франция автомобиль заводи 2018 йил декабрь ойи бошида дастлабки маҳсулотни ишлаб чиқариши керак эди, аммо ишлаб чиқарувчилар лойиҳа қайта кўриб чиқиши ҳақида хабар берди.

Шунингдек, «Ўзавтосаноат» компанияси масъуллари тез орада GM Uzbekistan номи ўзгариши ҳақида ҳам маълум қилишди.



# Калта ақл катта ҳақиқатларни илғамайди

**Ҳақиқатнинг табиати аччиқ, ёлғонники эса ширин бўларкан. Инсон вужудида пайдо бўладиган кўз илғамас айрим майда зараркундалардан баданини тозалаш учун табиблар ўсимлик, ҳайвон ва бошқа моддалар захридан фойдаланиб келади. Сон-саноксиз ширин нарсалар турганда захарнинг инсонга малҳам бўлиши жуда ажабланарли-да.**

Шифобахш неъматлар орасида энг кўп наф келтирадигани асал саналади. Тоза асал истеъмол қилинганда танада чикит ҳосил қилмайди ва тўлиғича қонга сўрилади. У қон таркибидаги зарарли хужайраларни ўлдириб, қонни тозалаш хусусиятига эга. Чунки унинг таркибида табиий ва безарар захар бор. Асал соғлом ва тана учун зарур бўлган хужайраларга қувват беради. Унинг таркибидаги захар зарарли хужайраларни ўлдиради. Асалнинг шифобахшлиги шунда. Бу — чинакам мўъжаз!

Кейинги вақтларда сунъий асал тайёрлаш авж олди. Бундай махсулот бутун ҳатто санаотда ҳам ишлаб чиқариляпти. Лекин унинг малҳам бўлувчи хоссаи йўқ. Чунки ҳам ўлдирувчи, ҳам тирилтирувчи қудратни бир жойга жамлаш одамзоднинг қўлидан келмайди.

Аслида ҳар бир нарсада мана шундай нозик мувозанат бор. Бундай меъёрни фақат назари ўткир, закий ва буюк инсонларгина пайкай олади. Манфий ва мусбат зарраларнинг бир текис ва тартибли ҳаракатланишидан электр қуввати ҳосил бўлади. Фақат манфий ёки фақат мусбат зарранинг ўзи ҳеч нарсага яроқли эмас. Инсон ўзининг ҳар бир ҳагги-ҳаракатини ана шундай мувозанат билан адолат тарозисига қўя олиши керак. Бундан бошқа ҳаракатлар инсонийликка зид келади. Бировга баҳо беришда уни адолат тарозисидан торта олсак, нуқсон ва фазилатлари аён бўлади. Улардан фақат биттасини кўриш адолатсизликдан бошқа нарса эмас.

Биз назаримизни ҳамма ютуқларимизга тикамиз. Камчиликларимизни эса назарга илмаймиз. Натижада, адолатсизликка йўл қўямиз. Мана шу адолатсизлик табиатимиздаги мезон ва меъёрни бузиб қўяди. Кейин биз нафақат ўзимизга, балки ҳеч ким ва ҳеч нарсага одил баҳо бера олмаймиз.

Менимча, биз буюк деб биладиганларимиз ўз табиатида ана шу меъёрни мустаҳкам ушлаб билган кишилардир. Алишер Навоий эса бутун ҳаётини шу

адолат мезони асосига кура билган буюқликнинг ёркин намунаси. Бунга буюқ мутафаккир ижодининг ҳар бир сатрида қайта-қайта амин бўламиз. Айниқса, «Хамса» таркибига кирувчи «Хайратул аброр» дostonида инсонга чинакам инсон деб қараш учун у қандай фазилат ва хусусиятларга эга бўлиши зарурлиги ҳақида баҳс юритилади.

Фикр мисол ва киёс ёрдамида яхшироқ аниқлашлади.


## **Тўғса хазаф остига рахшон гўхар Қайда гўхар қадрига андин зарар.**

Оддий сополнинг остига тушиб қолиш кимматбаҳо ва яркироқ гавхарнинг қадрига зарар етказмайдими. Ўз навбатида, гавхардан юқорида туриш сополнинг ҳам қийматини оширмайдими.

Хом сут эмган банд баъзан дунёни ўз қаричи билан ўлчамокчи бўлиб, нотўғри хулосаларга келади. Ёлгон ҳукм чиқаради ва ўз ёлғонларига ўзи алданиб яшайди. Ёлгон шуки, ўзини ва ўзгаларни нотўғри баҳолайди. Кўзимни юмсам, бутун дунё зулматда қолади, деб ҳаёл қилувчилар ҳам йўқ эмас. Лекин кимнингдир кўз юмиши дунёга зарар келтира олмайди.

Баъзи бир нарсалардан кўз юмиш инсоннинг ўзига зарар етказиши мумкин. Айрим инсонлар юмик кўз билан кўрган ҳақиқатни баъзилар очик кўз билан ҳам кўра олмайди.

Қўролмаслик — энг хатарли иллат. Лекин ўзи ҳақида ҳолис ҳукм чиқаролмаган кимса унинг иллатлигини ҳам англай олмайди. Оқибатда унга фазилатлар иллат, иллатлар фазилат бўлиб туюлаверади. Масалан, тош билан биллурни уриб синдириш тошнинг қийматини оширмагани каби биллурнинг қадрини ҳам туширмайди. Қимматбаҳо ашёни синдириб, чилпарчин қилиш аслида тошнинг зўрлигидан эмас, тошни ушлаган қўл эгасининг ғўрлигидан. Фақатгина ташки белгиларга қараб



ҳукм чиқариш тўғри бўлганида улқочча мўйсафид саналган бўларди. Лекин ҳар бир ашёнинг кўринганидан бошқа яна минглаб хусусияти бор. Бу хусусиятлар фақатгина шаклга эмас, маънога ҳам дахлдор. Назар солганда ана ўшаларни ҳам кўра оладиган кўз керак.

Уммоннинг сувини ховучлаб ўлчаб бўлмаганидек, баъзи ҳодисаларга баҳо беришда бизнинг калта ақлимиз етмаслиги ҳақ. Ўз ақлининг калталигини ҳис қила олиш энг катта донишмандлик аслида. Ғилай кўз билан мўлжални тўғри нишонга олиб бўлмагани каби калта ақл катта ҳақиқатларни илғашга ҳар гал ноқислик қилаверади.

Ҳар бир инсон ўсиб, ривожланишга ҳаракат қилади. Юқсалишга интилади. Камол топиш илнжиди тараққиётга талпиниб яшайди. Барча тирик мавжудотнинг ҳаёт низоми шундай. Юқсалиш учун эса, аввало, илдиз бақувват бўлиши зарур. Юқсак нарсалар жонзотни юқориға, юқсалишга чорлайди. Тубан нарсалар пасткашликка гирифторм қилади. Ҳақиқат — юқсак тушунча. Унга етишиш учун маълум бир юқсакликларга кўтарила билмоқ, тараққий этмоқ, маънан юқсалмоқ керак. Шунинг учун ҳам у пасткаш кимсанинг қалбига жо бўлмайди. Бир-бирига зид мизожли нарсалар инсон ошқозониди бирлашса, муаммо пайдо қилиб, касаллик юзага келади, баданини тансихатликда сақлаб турган тизим издан чиқади. Кимса тубанликни тарк этмагунча ҳақиқатни идрок эта олмайди. Тубан ҳолида ҳақиқат унга наф бермайди, биласек, зарар келтиради.

## **Гулгаки юз хусну латофат дурр, Атри жуал эсонига офат дурр.**

Гулнинг хусну латофати ҳаммани ўзига ошфута қилади. Унинг ҳидидан барча хузур топади. Лекин бу муаттар буй жуал — гўнгкўнғиз учун офатдир. Чунки у доимо сассик жойларда яшайди. Ўша бадбўйлик унинг ҳаёт мадорига айланиб қолган. У тирикликни бадбўйсиз тасаввур қилолмайди. Гулнинг хуш атри уни ўзи ўрганган бадбўйидан мосуво қилади.

Ҳаёт равиши ҳақиқатга асосланмаган кимса ҳам худди шундай. Ҳақдан, ҳақиқатдан, яхшиликдан баҳра тополмайди. Унга ўз чиркин олами маъқул. У ҳамма хузур-халоватни ўша чиркинликда деб билади. Ушандан бошқа нарсани қабул қила олмайди. Бу ҳам майли, лекин у ҳаммани худди ўзидек бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Худди гўнгкўнғиз ҳамма гўнда яшаши керак деб билгани каби. Унинг учун бошқа ҳақиқат йўқ ва

бўлиши ҳам мумкин эмас. Унда ҳақиқатни кўра олмаслик иллати етакчилик қилади. Шундан сўнг фикр-ҳаёли, дунё-қараш бузилган (*фосид*) кимса ўздан бошқача фикрлайдиганларга ҳасад қилувчи (*ҳосид*)га айланади:

## **Улки ҳаёли бори фосид дурр, Борча салоҳ аҳлига ҳосид дурр.**

Инсоннинг барча ҳагги-ҳаракатларида калб ва ният энг асосий нарсас. Ҳаёл бузилса, ният барбод бўлади. Ниятнинг маъзили — калб. Бузук ҳаёл ниятни, ният эса қалбдаги бошқа жавохирларни, бора-бора қалбнинг ўзини ҳам издан чиқаради. Бундай калб эгаси энди яхши ишлардан хурсанд бўлмайди, яхшилик соҳибларига ҳавас билан боқолмайди. Фақатгина ҳасад қилади. Яхшилик қилиш қўлидан келмайди, яхшилик қилаётганларга эса ҳасад қилади. Яъни, у буткул қўролмаслик касалига гирифторм бўлади.

Жаҳондаги барча можароларнинг илдизи ҳақиқатни қўролмасликдан. Калтабинлик фақат инсонга хос иллат. Бунчаллик бўлиш бошқа мавжудотнинг қўлидан келмайди. Ўз қилмишини ҳақ санаган кимсалар бугун бутун дунёда қанча-қанча одамнинг ёстигини қуритаётгани бор гап. Навоий таъбирича, улар «дун халки», яъни пасткаш, разил ва тубан оломон. «Дунё» сўзининг ўзига ҳам айни шу «дун» калимасидир. Уч-тўрт сўм пул, молу давлат ёки ўткинчи мансаб-мартаба учун ҳақиқатдан юз ўттириб, бошқаларга ноҳақлик қилувчи пасткаш ва разил кимсаларни дунёга берилган — тубанлашиб кетганлар деб ҳисоблашган.

Қилаётган ишининг аввало охирини фаҳмлаётмайдиган, оқ билан қорани, яхши билан ёмонни, ҳақ билан ботилни ажратолмайдиган, қисқача айтганда, буриндан нарини қўроллайдиган кимсалар — дун халки.

## **Меҳрки равианлик этар фош ани, Кимга гунаҳ кўрмаса хуффош ани.**

Ёруғлик (*равианлик*) бутун оламга қуёш (*меҳр*) борлигини билдириб туради. Лекин кўршапалак (*хуффош*)нинг қуёшни кўра олмаслиги қуёш йўқлигига далил бўла олмайди.

Қўролмаслик айб эмас, қўролмаслик айб. Шунинг учун ҳам қуёшни кўрмаган кўршапалак айбдор эмас. Чунки унинг кўзлари қуёшни кўришга мусолашмаган. Қўролмаслик кўзи бор жонзотлар учун айб ва гуноҳ. Биз ўзимиздаги нуқсонни кўрмасдан нуқул ўзгаларни айбласак, бу бошқаларнинг эмас, ўзимизнинг айбимиз. Чунки бу айбимиз бошқалардан холи бўлиб, ёлғиз қолганимизда ҳам бизга зарар келтириверади. Бошқаларнинг фазилатини айб сифатида кўриш эса қўролмасликдир. Қалбда қўролмаслик иллати бор кимса қуёш каби энг катта ва ёркин нарсани ҳам қўролмайди. Биз ўз нуқсонимизни аён кўра билсагу уни йўқотишга киришсак, фазилатларимиздан мағрурланиб, қибрга кетиб қолмасак, ботинимиздаги адолат тарозисини мустаҳкам тутга олган бўламиз.

Биз бугун ўз хато-камчилигимизни ҳис қила олсак, уни тўзатиш йўлини тутсак, буюқ аждодларимиз меросига, хусусан, Навоий даҳосига эҳтиёж сезамиз. Эҳтиёж бўлсагина Навоийга мурожаат қиламиз ва уни тушунишга уришиб кўрамиз. Астойдил қилинган ҳаракат эса ҳеч қачон бекор кетмайди.

Ғулумжон БОБОЖОНОВ

## Китъалар

\*\*\*

**Қарилар хотири нозикдур, эй тифл,  
Шикастидин қилиб ваҳм, ўлма густох.**

**Унуттунгмуки, атфол ўйнаганда  
Синар оз майл кўргандин куруқ шох.**

(Боғлар куруқ шохни ўйнаётганида у қовжираб қолгани учун бирпасда синиб қолади. Кексаларнинг кўнгли ҳам худди шундай нозик бўлади. Улар олдиди одобсизлик қилиб, дилини оғритиб қўймагин.)

**Сахий улдурки, навъи базл қилгай,  
Агар худ суфра ичра бўлса нони.**

**Ким ул чодир кўмочидек етишгай  
Гадо уйига кўзлардин ниҳоний.**

**Фалакдек йўқки, аввал жилва бергай  
Қўшининг қурсидек оламга они.**

(Ўзида эзгина нарса бўлса ҳам уни бошқаларга раво кўрадиган киши чинакам сахийдир. У муҳтозларга атаган нарсасини ҳеч кимга кўрсатмасдан, айтмасдан, билдирмасдан беради. Лекин унинг سخавати ҳар қанча яширин бўлмасин, барча уни мамнуният билан тилга олганидан сахийлиги қуёшдек балқиб ҳаммага кўриниб туради.)

# Чиққан қиз чиғириқдан ташқари

Келини  
сиғдирмаган  
қайнопа ўз  
жигари оиласини  
бузишига бир  
баҳя қолди.



Бўйи етиб, бегона хонадонга келин бўлиб тушган қиз ўша оиланинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланади. Чиққан қиз чиғириқдан ташқари, деб шунга айтишса керак-да. Ўз навбатида, у борган хонадондаги кизпошшалар ҳам келин бўлиб кетишгач, ўз уйига фақат меҳмон бўлиб келишади. Аммо одамзоднинг табияти ҳаёт қонуниятлари билан доим ҳам чиқишавермас экан. Қиз бола туғилиб ўсган ота уйдан буткул кўнгил узолмас экан. Энг ёмони, «уйига эга чиққан бегонанинг боласи»га хонадонга кириш ҳуқуқини бериб қўймаклик учун хар макомдан фойдаланар экан.

...Хонамга қимтинибгина кириб келган ёш келинчакни ўтиришга таклиф қилдим. Аввалига гапни нимадан бошлашни билмай ўтирган жувон хол-ховл сўраганимдан сўнг йиғлаб юборса бўладими.

— Опажон, ўзингиз бирор ёрдам беринг. Қийналиб кетдим, — дейди кўз ёш қилиб.

Уни юпатиб, муаммо нимадалигини бир бошидан тушунтиришни сўрадим. Бироздан кейин секин гап бошлади.

Нигорахон (*исмини ошкор қилмадик*) чекка кишлоқда, оддий-солда оилада ўсиб-ул-

гайган. Синфдошига турмушга чиқибди. Эри ҳам ўзидек оддий меҳнатқаш, кўли калтарок оиланинг фарзанди. Тўй ўтадию, шундоғам кийинчиликда яшаб келаётган оиланинг супрасида уни, қозонида ёғининг таги кўриниб қолади. Энг ёмони, куёв кетмон чопишдан, келин супур-сидирдан бошқа хунарни билмайди. Бир куни Нигора қайнотаси ва қайнонасининг гапини беихтиёр эшитиб, ёзғириб қолди.

«Фалончининг келини ўқитувчи экан, — дейди қайнота. — Туғиш таътилига чиқиб, фалон миллион пул олибди. Сенинг ўғлинг ҳам, келининг ҳам бизнинг пенсиямизни еб ётишни билади, холос...»

Ўшанда ўн беш кунлик келинчак илк бор ичидан эл кетади. Ўқишга киришга ҳаракат қилмагани етмаганидек, лоқал бирор хунарни бошидан тутмаганига афсусланади. Турмуш, оила деганлари оддий ҳавас эмас, балки катта масъулият, адо этилиши зарур бўлган залворли вазифа эканини тушуниб

етади. Шунинг таъсиридами, бир-икки танишига кўшилиб хорижга кетмокчи бўлиб юрган эрига бу гал розилик билдиради. «Майли, бориб ишланг. Қарзлардан тезроқ қутулайлик», дейди. Ҳали чилласининг ярмида куёв келинчакни ташлаб, олис юртга ишлагани кетади.

Нигора дардини ичига ютади. Елиб-югуриб қайнона-қайнотасининг хизматини қилади. Ҳамма ёқни чиннидек саранжом-сарипта тутишга, келган кетганга хушмуомалалик билан муносабатда бўлишга, қисқаси, яхши келин бўлишга бел боғлайди.

Орадан бир ой ўтар-ўтмас, кутилмаганда қайнопаси кўлида боласи, ёнида бир одам кўч-кўрони билан келиб қолади.

— Она, куёвингиз ҳам ишлагани кетди. Келгунича, шу ерда турамыз. У ёқда овсиним билан битта уйда яшолмайман, — дейди қайнопаси.

Орадан кўп ўтмай, қайнопаю қайнона икки ёқдан келинга тинмай иш буюришдан, камига

хар қадамидан айб топшидан чарчамайди. Шундоғам эрининг узокдалигидан эзлиб юрган янги келинчакка бу синовлар оғирлик қила бошлади. Кўлини совук сувга урмайдиган қайнопасининг дийдиёлари малол келади.

Кўргиликларига кўниб-кўнмай юрган Нигорахон бир куни соғлиғида ўзгариш сезади. Қишлоқ врачлик пунктида ҳамшира бўлиб ишлайдиган дугонасига дардини айтса, у текширувдан ўтиши кераклигини маслаҳат солади. Нигора шифокор хузуридан хурсанд бўлиб чиқади. Фарзанд қутаётгани ҳақидаги хушхабарни қайнонага айтиб, суюнчи олиш илҳизмида уйига ошқади. Бирок дарвозани очиши билан қайнонаси:

— Бор ошхонага. Опангнинг кўлидан чўмични ол. Сал ўтиб келганимда олдинга овқатингни кўярди, маза қилиб еринг, — дея захарханда қилади.

...Кунлар шу таклид ўтаверди. Меҳр — кўзда деганларидек, келин-куёвни боғлаб турган меҳр риштасига, илик муносабатларга дарз кета бошлади. Икки-уч ой ўтиб, саломалиқдан сўнг хатто айтишга бир арзигулик сўз топа олишмасди. Боз устига, энди куёвнинг қунда-қунора кўнғирок қилишлари ораси узаяди. Бориб-бориб куёв онаси билан гаплашиб кўя қоладиган одат чиқаради. Ёш эрхотиннинг бир-бирдан совиб кетаётганидан хавотирланган Нигоранинг онаси, қудаларига маслаҳат солиб, куёвни чақириб, шу ердан иш топишни илтимос қилади.

Бу гапни эшитган қайнотанинг фиғони фалакка чиқади: — Ана, сиз топиб бера қолинг маоши катта ишни. Кейин мен ўғлимни чақираман.

Кўлида на дипломи, на хунари бўлган одамга қаерда ҳам юқори маошли иш топилсин. Бу орада бошқоронғилик давридан азият чекаётган Нигора «эписиз, укувсиз келин»га айланади. Онаси яна кизининг холидан хавотирга тушиб, бир куни қудаси кўнғилига кўл солмокчи бўлади: «Қуда, келинингиз камкон экан».

Бу гапни эшитган қайнонанинг ғашни келади: «Мақсадингиз кизинингизни олиб кетиш, шекилли. Ана, бемалол олиб кетаверинг. Бунақа ландавур келинингиз бизга кераги йўқ».

Қайнона шундай деб, жанжал-тўполон билан келинни қувиб солади.

...Шундай қилиб, Нигора ота уйда қиз фарзанд кўрди. Унинг суратини эрига жўнатди. Ўзига жуда ўхшайдиган қизалогини кўриб суюнган ота уйига ошқиди. Лекин ота-онаси бир йил ҳам ёлчатиб ишламадан тайёр ишни ташлаб келган ўғилнинг раъйига тиш-тирноғи билан қарши чиқибди. Онаси: «Хотининг хизматимизни қил-

гани йўқ», деса, отаси: «Агар ўшанингни десанг, уйдан йўқол», дея шарт қўяди. Опаси ҳам келиннинг устидан мағзава ағдарилган тўхтамайди.

Нигора гапини шу еригача гапира олди, холос.

— ...Қайнона-қайнотам эримга фарзандимизни кўришга ҳам руҳсат бермайпти, — дея йиғлаб юборди келинчак.

«Оила» маркази ходимлари маҳалла фаоллари билан масалани атрофлича ўрганишга киришдилар. Келинчак жонжаҳди билан интилаётган хонадоннинг маънавий-ахлоқий мухитини ўрганиш жараёнида мутахассислар вазиятнинг бу қадар чигаллашиб кетишига қайнопанинг уйга келиб ўтириши асосий сабаб бўлган, деган хулосага келишди.

Дастлаб, қайнопа келин бўлиб тушган маҳалла фаоллари билан маслаҳатлашиб, икки-уч ой давомида режали асосда иш олиб борилади. Оила аъзоларининг дунёқаршига таъсир кўрсатиш мақсадида, улар маҳаллада имом-хатиб ва психолог иштирокида ташкил этилган давра суҳбатига чақирилди. Ушбу суҳбат жараёнида оиладаги низоларга сабаб бўлган одамнинг хатти-харакати ҳеч қандай баҳона билан оқланмаслиги, бу иш катта гуноҳ саналиши ҳақида аждодларимиз ўғитлари ва диний таълимотлардан мисоллар келтирилди.

Бу орада қайнопанинг чет элда мардикорликда юрган турмуш ўртоғи билан психологлар ёрдамида боғланиб, турмуш ўртоғи уйда бўлиши лозимлиги, аёлининг ота уйда ўтириб, фарзанд тарбиялаши йигит киши учун номус саналиши ҳақида мулоимлик билан маслаҳатлар берилди.

Орадан бир неча кун ўтиб, яна оилага кириб бордик. Қайнопа ўз уйига қайтишга рози бўлди. Оиланинг иқтисодий ҳолати ҳисобга олинб ҳамда оила ярашмай туриб куёв яна хорижга кетиб қолишининг олдини олиш мақсадида у туман марказида иш бошлаган қурилиш бригадасига ишга жойлаб қўйилди.

Шундай қилиб, қайнонани, қайнотани муроасага келтириш, уларга тушунтириш ишлари олиб бориш учун қарийб тўрт ой сарфланди.

Нихоят, бу уринишлар самарасиз кетмади. Нигора тўрт ойлик чақалоғи билан эрининг ёнига қайтди. Ота боласини бағрига босиб, энтиқди. Бобоси ва бувиси ҳам набиран илк бор қўлларига олишди. Эҳтимол, ўша онда ўзларининг шу кунгача қилган қилиқларидан уялишгандир.

**Шарофат БОБОЕВА,**  
«Оила» илмий-амалий  
тадқиқот маркази Хоразм  
вилоят бошқармаси бош  
мутахассиси

## Туғилган, лекин йўқ шахслар

Мамлакатимизда никоҳдан ўтмасдан ноқонуний тарзда яшаб келган 10 минг 24 оила аниқланиб, уларнинг 6,5 мингга яқинида никоҳ расмийлаштирилган. Бу ҳақда Давлат хизматлари агентлигига асосланиб ЎЗА хабар берди.

Шунингдек, ўрганишлар давомида 9 минг 988 нафар боланинг ҳужжати йўқлиги маълум бўлган.

ФХДЁ органлари тизимида ўтказилган ўрганишлар мамлакатимиз демографик статистикасида катта хатолар борлигини кўрсатган. Юртимизнинг чекка ҳудудларида истиқомат қилаётган аҳоли ҳамон туғилган чақалоқларини рўйхатдан ўтказиб, никоҳни расмийлаштиришга бефарқ қараб келмоқда. Маълум бўлишича, қайд этилмаган ҳужжатларнинг 90 фоизга яқини туғилиш ва никоҳ ҳақидаги гувоҳномаларга тўғри келган.

Аммо юридик нуқтаи назардан мазкур ҳужжатларнинг мавжуд эмаслиги фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларидан маҳрум қилади. Масалан, туғилганлик

тўғрисидаги гувоҳномаси бўлмаса, шу шахсни йўқ, деб ҳисобласа бўлади. Ахир, гувоҳномасиз болани боғчага расмийлаштириб бўлмайди, мактабга бериб бўлмайди. Туғилганликнинг қайд этилиши — бола ҳуқуқлари рўёбга чиқарилишининг ва фуқаролик бўлмаслигини олдини олишнинг ҳуқуқий асосидир.

Шу каби муаммоларни бартараф этиш бўйича Давлат хизматлари агентлигининг 1148 рақамли ишонч телефони ҳам фаоллият юритмоқда.

Фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ўз вақтида қайд этилмаганини аниқлаш бўйича ўтказилаётган инвентаризация тадбирлари 2019 йил 1 июлга қадар давом этади.

# «Болани мажбурлаш керак!»

Яқинда шундай бир янги латифани эшитдим:

- Янги романим чиқди, ўқидингми?
- Қахрамони ким эди?
- Ким охиригача ўқиб чиқса, ўша қахрамон-да...

Дарҳақиқат, айрим тоифа одамлар ўртасида онгу шуур билан эмас, ошқозон билан фикрлаш биринчи ўринга чиқаётган, каломдан кўра таом қайғуси устунлик қилаётганда бир китобни бошдан-оёқ ўқиб чиқиш ростдан ҳам салкам қахрамонликка ўхшаб қолмоқда. «Адабиёт ўладими?» деган бахс-мунозаралар бўлиб ўтгани хали эсимизда.

Хамма нарса болалиқдан бошланади деймиз. Ҳақ гап. Китобга, мутולהга ҳавас-иштиёқ ҳам болалиқдан, мактабдан шаклланади.

Камина — болалиги турғунлик йилларининг «гуллаб-яшнаган» даврига тўғри келган кимса, отам олис сафарга отланганда хўрозқанд эмас, китоб олиб келишини илтимос қилардим. Бўш вақтимни, асосан, китоб ўқиш билан ўтказардим. Ҳеч ким китоб ўқитин деб даъват ҳам қилмасди. Эҳтимол, ўша болалик ва ўсмирлик йилларида кўлимга тушган ажойиб китоблар (ўз вақтида ўқилган китоблар) менинг келажакимни, тақдиримни ҳал қилгандир... Ажабо, ўша олис ёшликда ҳисҳаяжон билан, суйиб ўқилган китоблардан олинган таассуротлар нимаси биландир бегубор илк севгига ўхшайди. Ҳар гал эслаганимда юрагинг орзиқиб кетади. Ана шундай наъшу намодан бебахра ўтиб кетаётган авлодга ачинаман. Мана энди ўзим ота, бобо бўлгач, фарзандлар ва набираларда китоб

ўқишга ҳавас-иштиёқ уйғотолмай хунобман. Йўқ, улар озми кўпми китоб ўқишади, аммо кизиқиш билан эмас, камрок, тинимсиз даъватларнинг таъсирида ўқишади. Бу эса мени қаноатлантирмайди.

Педагоглар болани китоб ўқишга мажбурлаш керак эмас, дейишади. Мундоқ қараганда бу гапда жон борга ўхшайди. Тўғри-да, ихтиёрий, кизиқиш, иштиёқ билан қилинган сай-ҳаракатларгина қутилган самарани беради. Узок вақтгача шу масалани ўйлаб юрдим. Бир куни телевизорда таникли адабиётшунос олим Омонулла Мадаевнинг айнаи шу масала ҳақидаги чиқишини кўриб қолдим. Домла сира иккиланмай «Бола ўз ихтиёри билан ўқишни истамаса, уни мажбурлаш керак, ахир болани даволаш учун у ичкиси келмаган аччиқ дорини ичирамиш-ку!» деди. Домла ўзи ҳам болалигида китоб ўқишни унчалик ёқтирмаган, тоғаси, таникли адабиётшунос олим Анвар Хўжаҳамедов уни китоб ўқишга мажбурлаган экан. Устознинг асосли мулохазалари иккиланганимга чек қўйди.

Тезкор замонамизда мутולהдан қалғитадиган нарсалар жуда кўп. Хўш, катталарнинг ташвиши етарли деймиз, ёшларни мутולהдан нималар қалғитадилар? Мундоқ дўппини ёнга қўйиб, ўйлаб кўрсак, бу муаммонинг ҳам ўзига яраша сабаблари бисёр экан. Боланинг ўзидан нега китоб ўқимасли-



гини сўрасангиз, «Улғурмаёнман», «Дарсим кўп», «Китоб кизик эмас экан», «Киносини кўрганман-ку, яна ўқиб нима қиламан», дея жавоб қилишади.

Бу бахоналарнинг ҳар бири таълим-тарбиянинг муҳим муаммолари билан боғлиқдир. Олдинги ҳукмрон мафкура таъсирида шакланган, ҳақиқий кадрларимиз ҳақида нотўғри, бирёклама, саёз тасаввур берувчи таълим тизимининг мутлақо ярқисиз экани билиниб қолди. Ана шундай шароитда ёш қалбларга нафосат, бадийят туйғусини синдириш, хусусан, адабиётни тўғри ўқитиш-ўргатиш, демак, мутולהга ихлос уйғотиш жуда муҳим вазифадир.

Энди очигини айтаверсак бўлади, ақсарият мактабларда, ҳатто олий таълим даргоҳларида ҳам «нафис адабиёт» (*Абдулла Қаҳҳор ибораси*) муаллимларининг ўзлари адабиётдан ниҳоятда йироқ кимсалардир. Улар адабиёт санъатининг бир тури эканини мутлақо ҳис қилишмайди. Дарсликдаги

матндан четга чиқишолмайди. Адабиёт оламида ангилликларни кузатиб боришмайди. Шундай муаллимларнинг қўлида таълим олувчиларга ачинмай илож йўқ.

Катта ва кичик экранлар, турли видеосалонлар, интернет ва мобил телефон деб аталувчи матоҳлар мутולה йўлидаги катта ғовлардан (*оқилона фойдаланилса, уларнинг фойдали жиҳатлари ҳам кўп*) бўлиб қолгани сир эмас. Чинакам мутולה кишидан маълум бир тайёргарликни, ақлий меҳнатни талаб қилади. Аммо бундай заҳматта ҳаммининг ҳам тоқати етавермайди. Тафаккур, мушоҳада, маънавий-фикрий кашшоқлик қучайганда андак заҳмат чекиб, китоб ўқиш ўрнига диванда чалқанча ётганча экранга тикилиб «вақтни ўлдириш» осон-да. Шунинг учун ҳам болақай китобни ўқишдан кўра киносини кўриб кўя қолишни афзал билади. Шунинг учун ҳам у «Уруш ва тинчлик» фильмида Наташа Ростованинг Андрей Болконский билан зиёфатда рақс

тушаётганини кўриб, беихтиёр «Ана, Штирлиц (*«Баҳорнинг ўн етти даҳаси» фильмидаги совет разведкачиси*) рақсга тушяпти», деб юборади (*Ҳар икки ролни Н.Тихонов ўйнаган —Ш.О.*).

Эҳтимол, болада китоб ўқишга ҳавас уйғотишнинг ўзи ҳам тарбиячидан алоҳида бир иктидор, маҳорат талаб қилар.

Хўш, сизнинг болангиз китоб ўқийдими?

Ўзингиз-чи, дейсизми? Балли, жумбоқка жавобни балки шу саволдан бошлаган маъқулдир. Биз катталар шахсий ўрнакнинг таъсир-қудратига етарли аҳамият бермаймиз. Қуш уясида кўрганини қилади. Мутולהда ҳам ўз илмимизга ўзимиз амал қилмасак, тарғиб-ташвиқотларимиздан наф йўқ.

Мутולה маданияти маданий ҳаётга ҳолис баҳо берадиган муҳим мезонлардан бири. Кузатишимча, эндиликда олдий китобхонларни кўя турайлик, ҳатто ёзувчилар ўз ҳамкасбининг китобини деярли ўқимас экан. Дастхат билан совға қилинган китоблар бир четга ташлаб қўйилганча чанг босиб ётаверди.

Яқин ва узок ўтмишда яшаб ўтган буюқларнинг ҳаёти, китобга муносабати ҳамиша ёшларга ўрнақдир. Ахборот технологиялари ҳар қанча ривожланмасин, ҳеч нарса, ҳеч қачон китобнинг ўрнини боса олмайди. Барча китобхонларга мутולה қувонч, мутולה завқи ҳамиша ҳамроҳ бўлишини истайман.

Шодмон ОТАБЕК,  
Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган маданият ходими

## МЕН ЎҚИГАН АСАР

# Кўкландан ҳам олдин келинг, турналар!

«Оқсой, Кўқсой, Сариксой — кезмаган ер қолмади:

Лекин ҳеч бир ўлкадан ўхшашинг топилмади...»

Бу кўшиқ Чингиз Айтматовнинг «Эрта қайтган турналар» киссасидаги ишқ дардига мутало бўлган қахрамонларнинг дил изхорларидир...

Уруш — катта ёки кичик бўлмасин, барибир ўз номи билан уруш. У ҳеч қачон инсониятга рўшнолик олиб келмаган. Ўтган асрнинг жаҳон урушларидан қолган доғлари буткул ювилиб кетиши учун ҳали қанча қорлар эриб битмоғи, сувлар оқиб ўтмоғи керак. Унга айтилган лаянатларнинг қанчаси шеърларга, асарларга кўчмади? Ёзувчи бу киссада ҳам айнан ўша машҳур йиллардаги фронт ортида меҳнат қилаётган кирғиз халқи тимсолида бошқа элларнинг-да оғир ҳаётини тасвирлайди. Уруш миллионлаб хонадонларнинг бахт чироғини ўчириб, гам-алам қўланқасини ташлаган бўлса-да, юракларда милтиқлаб ёнган умид



учқунларига даҳл қилолмади. Турмушнинг оғир аравасини тортиш эса тулга қисқанувчи аёллар, кексалик гаштини суролмаган қариялар, ҳислар пўртанаси вужудига сиғмаётган норасида болалар ва урушдан бир мучасиз қайтган аскар йигитлар гарданига тушиди. Бир қарашда Султонмуротнинг онасидаги метин ирода «Уфк»даги Жаннат холянинг, «Икки эшик орасида»ги Қора амманнинг сабр-қаноати, сабот ва чидамини эсга солади. Демак, аёл борки, у қайси макон ёки замонда бўлишидан қатъи назар, турмуш ўртоғи ва фарзандининг саодати

йўлида ҳамиша собитқалам бўлиб қолаверди.

Ҳали эндигина ўн беш-ўн олти ёшни қоралаган Султонмурот ва унинг дўстларига овулдан хийла олисдаги Оқсой ерларини ғалла экишга тайёрлаб, ҳосил ундирини вазифаси топширилди. Уларни, айниқса, отасидан анча вақтдан бери бир энлиқкина хат-хабар келмаётган Султонмуротни шу машаққат ичра ўтказган кечаю кундузлари бирданга улғайтириб қўйди. Ҳатто, синфдош киз — Мирзагулга кўнгли қўйган рақибини — Онатойнинг отасига қора хат келган кундан бошлаб, у билан қиёматли дўст тутинди. Қулларнинг бирида турналарнинг қутилмаганда биллурдек тиник осмон узра парвози далада плуг хайдаётган учовлонга чексиз қувонч улашди. Ахир, эскидан қолган гап бор: турналарнинг эрта келиши, ҳосилининг мўл бўлишидан мўжза беради. Турналар кетидан қўлжа кетаётган йигитларга тўқайлар ортидан қора ниятли қўзлар тикилиб турганини, қуни эрта рўй

беражак жиноят покиза истакларини эзилаб ташлашини қаердан ҳам баҳорат қилсин? Ахир, инсон ўзи қандай бўлса, ўзгаларни ҳам шундай деб ўйлайди-ку. Бош қахрамон — Султонмуротнинг характерида кўп жиҳатлари ўзлаштириб олиш мумкин. У сўнгги дамда ҳам отасидан қолган кадрдон отларидан бири Чопдор — гарчи яраланиб йиқилиб тушган бўлса-да, уни оч бўри чангалига тоштириб қўймаслик учун мардона туриб берди. Шунда у ўз юрагининг киссада ифода этилганидек, «кўксиде каттиқ қисилиб турган юмалоқ нарсага ўхшаб тепишини» яққол эшитди. Нима учун ўз жонини азиз билиб, орта қайтмади? Негаки, суйган кизи Мирзагулга бир пайтлар хат элтиб берган укаси Ажмуротга оғзидан гуллаб қўймасин деб, ваъда берган: отасини қаршилаб олишга станцияга ана шу Чопдорга уни миндириб бориши керак эди. Чингиз Айтматовнинг бу киссаси бошқа асарлари каби инсон руҳиятига таъсир кўрсатади,

ички оламнинг пучмоқларига ҳақ ёруғлик индиради. «Эрта қайтган турналар» киссасида ҳаётнинг инъикоси эзгулик ва ёвузликдан иборат экан, қун келиб, албатта, эзгулик яшаб қолишига умид борлигини илғаб олиш мумкин. Асарни ўқиб давомиде ўқувчига қахрамонларнинг навирон муча-ҳаббати ва шижоати аста-секин юка бошлайди. Китобни ўқиб бўлгач, асардан тезда синиб қолдиган, таъсирчан кўнглимга дала бўладиган, турмушнинг оғир-енги синовларидан оғишмай олға боришимга ундаб турадиган куч олдим. Бу куч умр бўйи менга ҳамроҳлик қилишига астойдил ишонаман.

Ўсмир ёшидаги йигит-қизларга олам-олам таассурот улаша оладиган бу киссадаги образларнинг қайси биридадир китобхон ўзига ҳам дуч келиб қолиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Сабаби, асар тили — халқона, қахрамонлари эса халқники.

Наргиза ЮНУСОВА

# Уйингизнинг ҳужжати борми?

Бир вақтлар қишлоқларда фарзандини уйлантирган ота-она бир йил ўтар-ўтмас, колхоз идораси эшигини тақиллатиб ёш оилага уй кўтариш учун томорқа сўраб борарди. Ер кўп, колхозга ишчи керак, дарров колхознинг битта буйруғи билан ер учатқаси ўлчаб берилган. Бундан ташқари, узоқ йиллар деҳқончилик қилиб, ўша ерда ўзбошимчалик билан уй қуриб олганлар қанча. Афсуски ана шундай минглаб уйларнинг ҳеч бирида тузук-ҳурқат ҳужжат ҳам, уй эгасида эгалик ҳуқуқи ҳам йўқ.

Албатта, йиллар давомида яшаб келган бу уйни кимдир улардан тортиб олмайди, бироқ мулккий муносабатлар, мерос ҳуқуқи ва бошқа масалаларда ҳужжат керак бўлади-да. Ҳозир ана шу муаммо туфайли судмасуд қолиб юрганлар қанча.

Хуллас, ўтган йилдаги энг хайри ишлардан бири ана шу уй эгаларига ҳужжат қилиб бериш акцияси бошлангани бўлди. Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 20 апрелдаги «Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчалик билан қурилган турар жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Мазкур ҳужжат билан тасдиқланган низомига кўра, умумдавлат акцияси доирасида мазкур фармон қабул қилинганга қадар қурилиш максадлари учун ажратилган ер участкаларида ёки иморат қуриш учун ҳеч қандай рухсат олмасдан барпо этган яқка тартибдаги уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш тартиби белгиланди. Хўш, ўтган вақт давомида нима ўзгарди?

## Хали ҳам эскича тутум

Қовоғидан кор ёққан, сирқаси сув кўтармайдиган, «Кадастрданман!» дея уй-жой ҳужжатларини сўраб келувчиларни кўпчилик яқши билди. Шундай чоғда уй сохибининг худди айб иш қилиб қўйган ёш боладек, улар олдидан мулзам бўлиб, ер чизиб қолиши ҳам бор гап. Уларнинг туман марказидаги идорасига борсангиз-ку, «ит эгасини танимайдиган» аҳвол. Камида ўн кун катнасангиз ишингиз битиши даргумон. Ал-мисокдан қолган, эскича, сийқаси чиқиб кетган, одамларни сарсон-саргардон, овра килишдан, асабини бузиб келишдан бошқа ҳеч нарсага ярамаган бундай иш тутумларидан, афсуски, халигача воз кечиб кетилгани йўқ.

Бугун бу тахилдаги иш йўсинлари билан сираям муросаю мадора қилиб бўлмайди. Негаки, давлат раҳбарининг ўзи қатта-кичик йиғинларда бу масала ҳусусида қуюниб гапиряпти. Кўчмас мулк ҳужжатлари билан боғлиқ тушуновчиллик ва муаммолар йиллар давомида тўпланиб қолгани бор гап-да.

— Соҳадаги бундай муаммолар масалалар бизни ҳам безовта



қилиб келгани, афсуски, рост, — дейди **Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геология, картография ва давлат кадастри кўмитаси (Давргеодезадастр) раиси ўринбосари Шерзод ҲАБИБУЛЛАЕВ** Миллий матбуот марказида журналистлар билан учрашувда. — Шунингдек, 2019 йил февраль ойидан бошлаб янги, замонвий, очик-ошқора тизимга ўтилади. Шунда бутунга қадар одамларни қийнаб келаётган кўпгина ноқулайликлар ўз-ўзидан барҳам топади. Жаҳон банки томонидан молиялаштирилаётган «Кадастр ва кўчмас мулкни руйхатдан ўтказиш тизимларини модернизация қилиш» лойиҳаси иш бошлайди. Мазкур лойиҳанинг мақсади — кадастр ва кўчмас мулкни руйхатга олишнинг мавжуд «қоғозли» тизимдан геоахборот ва веб-технологияларни электрон ҳуқуқат базавий платформаси таркибий қисмига ўтказиш ҳамда замонвий, кадастр ва кўчмас мулкни руйхатга олиш бўйича интеграллашган тизимни яратиш. Шу орқали соҳа тубдан модернизация қилинади.

## Кўп қаватли уйларга татбиқ этилмайди

«Мулк ҳуқуқи масаласида қаерга мурожаат этса бўлади?» деган савол кўпчиликни ўйлантиради. Энг аввало, фуқаролар ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини олиш учун иморати жойлашган худуддаги давлат хизматлари маркази орқали туман (*шаҳар*) ҳокимининг номига ариза билан мурожаат қилиши зарур. Шунингдек, унутмаслик керакки, аризага мурожаат этувчининг паспорти, оила аъзолари ҳақида ҳамда ер участкасига эгалик қилинган муддатлари ва иморат қурилган вақт тўғрисида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг маълумотномалари ҳам илова қилиниши лозим. Эътибор қилиш керак, ушбу низо талаблари кўп қаватли уйларга ва уларга туташиб кетган ер участкаларида ўзбошимчалик билан қурилган иморатларга ҳамда нотураб жойларга нисбатан татбиқ этилмайди.

## Нега одамларнинг хабари йўқ?

Аризани ўрганиб чиқишда тўққизта вазирликдан мутахассис қатнашади. Агар биргина ташкилот вакили норози бўлса ҳам, фуқарога эгалик ҳуқуқи берилмайди. Масалан, ёнғин

## МАЪЛУМОТ

Бир марталик умумдавлат акцияси бошлангандан буён (2019 йилнинг 9 январь ҳолатига кўра), давлат хизматлари маркази орқали жами 166 минг 619 та ариза келиб тушган. Шундан ижобий деб яқунланган аризалар 26 минг 912 та, салбий яқунланганлари 16 минг 994 та, тўлови қўйилмаган аризалар сони 21 минг 321 тани ташкил этади. Шу билан бирга, 87 минг 504 та ариза жараён давомида синчиклаб ўрганилмоқда.

хавфсизлиги ҳодимларининг талабига кўра, уй-жойлар орасидаги масофа белгиланган ораликда бўлиши керак. Акс ҳолда, ариза рад этилади. Яна бир далил: Сурхондарё вилоятида бир фуқаро уй-жойини қишлоқ хўжалигида экин экиб келинадиган ерга барпо этган. Ушбу фуқарога ҳам масала мохияти тушунтирилиб, унга бошқа ердан уй қуриш учун жой ажратиб берилмади бўлди. Хуллас, уйингизга эгалик ҳуқуқи керак бўлса, масаланинг ана шу жиҳатларини ҳам эътиборга олганингиз маъқул.

Афсуски, уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясидан аҳолининг хабардорлик даражаси анча паст. Давлат аҳамиятига молик бу тадбирнинг мохияти ва аҳамиятини аҳолига имкон қадар тез тушунтиришга негадир мутасаддилар унчалик ҳам шошилишмапти...

Улугбек ЖУМАЕВ,  
«Оила даврасида» мухбири

## БИЛАСИЗМИ?

Бир марталик умумдавлат акциясининг амал қилиш муддати 2019 йил 1 майга қадар.

# Ортиқча оворагарчиликсиз, харажатсиз ва навбатсиз

Жорий йилдан бошлаб кўчмас мулкни ижарага бериш шартномаларини мажбурий нотариал тасдиқлаш бўйича талаб бекор қилинди. Мазкур амалиётни давлат солиқ хизмати органларида мажбурий ҳисобга қўйиш тартиби ўрнатилди. Хўш, янги тартибнинг афзаллиги нимада?

Биринчидан, кўчмас мулк ижара шартномаларини солиқ органларида ҳисобга қўйиш тизими соддалаштирилди. Энди давлат солиқ кўмитасининг [my.soliq.uz](http://my.soliq.uz) электрон хизматлари порталидаги «Ижара шартномаларини ҳисобга олиш» интерактив хизмати орқали куннинг исталган вақтида ижара шартномасини солиқ органларида ҳисобга қўйиш мумкин. Яъни, ортиқча оворагарчиликсиз ва сарф-харажатсиз ҳамда узундан-узоқ навбатда туриш бўлмайди.

Иккинчи қўлайлиги, жисмоний шахснинг доимий яшаш, юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтган жойидаги ҳамда ижарага берилаётган кўчмас мулк жойлашган манзил бўйича давлат солиқ инспекцияларига ташриф буюрган ҳолда

ижарага берувчи ва олувчи ўртасида белгиланган шаклда тузилган ижара шартномасини тақдим этиш орқали амалга ошириш мумкин.

Ижара шартномаси ҳисобга қўйилгандан сўнг, ижарага берувчига шартнома ҳисобга қўйилгани тўғрисида «Билдиришнома» ва жорий йил учун ҳисобланган даромад солигини тўлаш бўйича тўлов хабарномаси тақдим этилади. Натижада кўчмас мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар бўйича дастлабки декларацияни тақдим этиш талаб этилмайди. Хозиргача Тошкент шаҳрида 20 минг нафардан ортиқ юридик ва жисмоний шахс ижара шартномаларини давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйди.

Кўпчиликни қизиқтирган са-

воллардан яна бири — янги тартиб жорий қилинганга қадар тузилган ижара шартномаларининг тақдирини нима бўлади?

Таъкидлаш жоизки, муддати тугамаган (мисол учун, 2018 йил 31 мартдан 2019 йилнинг 31 мартгача тузилган) ижара шартномалари амал қилиш муддатида қадар ўз кучини йўқотмайди ва уларни давлат солиқ хизмати органларида қайтадан руйхатга қўйиш талаб этилмайди.

Шунингдек, ижара шартномаси бўйича олинган даромадларга ҳисобланган солиқнинг бир йиллиги олдиндан тўлаб қўйилган бўлса, (масалан, 2018 йил 31 мартдан 2019 йилнинг 31 мартга қадар солиқ тўланган) ижара шартномаси бўйича олинган даромадларга 2018 йилда 7,5 фоизда, 2019 йил 1 январдан 12 фоиздан солиқ ҳисобланади. Ижара шартномасини ҳисобга қўйиш учун солиқ органлари ҳеч қандай ҳақ олмайди.

Президентимизнинг 2018 йил

## ЭСЛАТМА

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 159-моддасига асосан, фуқаролар ўртасида бинони, иншоотни ёки уларнинг бир қисмини, турар жойини ижарага бериш, текин фойдаланишга бериш шартномасининг мавжуд эмаслиги ёхуд давлат солиқ органларида ижарага бериш шартномасининг мажбурий ҳисобга қўйилишига рияз этмаслик энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солиғи сабаб бўлади.

26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроектисодий кўрсаткичлари прогности ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Тошкент шаҳрида ижара миқдорининг энг кам метри 1 квадрат метр тураржой учун 10 000 сўм ва нотураб жойлар учун 20 000 сўм миқдорда белгиланган. Мисол

учун: 50 квадрат метр уй-жой учун 1 ойга 500 минг сўм (50x10 000 сўм) шартнома тузилган. Шунда 500 минг сўмлик ижара учун ойига (500 000x12%= 60 000) 60 минг сўм даромад солиғи ҳисобланади.

Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси Жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот ишбаси

# Болалар гайморит бўлмайди

Инсон соғлиғига даҳл қиладиган ҳар қандай касаллик ўз вақтида даволанмаса, хавфли тус олади. Ҳаттоки, оддий шамоллаш ёки тумовнинг ҳам асоратлари жуда жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин. Гайморит ҳам шундай асоратлардан бири саналади. Бу хасталикка жиддий эътибор қилмаслик, даволашни тизимли олиб бормаслик кейинчалик унинг сурункали тус олишига сабаб бўлади. Касалликнинг келиб чиқиш сабаблари даволаш ва олдини олиш борасидаги саволларимизга олий тоифали шифокор-лор Дилфуза ЮНУСОВА жавоб беради.

— Гайморит касаллиги бу — буруннинг ён, яъни гаймор бўшлиғининг яллиғланиши. У иккиламчи касаллик ҳисобланади. Одам шамоллаб, ўз вақтида муолажа олмаса ёки чала даволанса, айниқса, грипп ва шунга ўхшаш вирусли касалликларни юриб ўтказса, кейин гайморит билан асоратланиши мумкин. Соғлом одам ўзини бир карра оғриганлар ўзини икки карра эҳтиёт қилиши керак. Улар яна шамолласа, гайморит асоратлари анча хавфли бўлади.

## Бурун тўсиғи қийшиқ бўлса...

Гайморитнинг икки — ўткир ва сурункали турлари бор. Ўткир турига, асосан, грипп ва шунга ўхшаш вирусли инфекциялар сабаб бўлади. Айниқса, бурун тўсиғининг қийшиқлиги, бурундаги аллергия хасталиклар, полип ва шу кабилар гайморит билан оғришга мойилликни оширади. Масалан, одам шу касаллик билан бир марта оғриди ва даволанди. Лекин ке-

йинги сафар яна шамоллаганда бурун тўсиғи қийшиқлигининг ҳисобига бурун йўли торайиб қолади. Чикиши керак бўлган ажралма туриб қолиб, кейинчалик гайморитга олиб келади.

## Ҳид ажрата олмайди

Бемор ҳақиқатан гайморит билан оғриси, у ўзини билдирмасдан ўтмайди, албатта. Бурун соҳасидан бошланган кучли оғрик кўз ёки бошни ҳам безовта қиладди. Олдийгина зинадан тушаётганда оёқнинг кескин ҳаракатидан бошда оғрик пайдо бўлади. Бурун битади ва яшил, йирингли ва хидли ажралмалар келади. Беморнинг ўзи эса хид ажратолмай қолади.

Буруннинг бошка пешона, ғалвирсимон ёндош бўшлиқлари ҳам яллиғланиши мумкин. Уларнинг клиник белгилари бир-бирига ўхшаб кетади. Лекин халқда ҳаммаси бир хил қилиб, гайморит дейилади. Аслида улар этмоздир, фарантит, сфиноэдит ҳисобланади. Шунинг учун ҳам беморни айнан гайморит безовта қилия-



тими ёки бошка касалликми, аниқлаш зарур. Бемор, албатта, шифокорга мурожаат қилиши керак. Касалликнинг даражаси ва турини рентген ёки МРТ (магнит резонанс томография) текширувида аниқлаш мумкин. Шундан кейингина даво чоралари кўрилади.

## Режали ва мажмуавий муолажа

Биринчи марта ўткир гайморит билан оғриган бемор, айниқса, бу гриппнинг асорати бўлса, кейинчалик сурункали шаклга айланмаслиги учун стационар шароитда даволангани маъқул. Лекин ҳар бир беморнинг ҳолатига қараб ёндашамиз. Касаллик енгилроқ бўлса, давони уй шароитида ҳам мажмуавий тарзда олиб бориш мумкин. Иложи борича режа билан, дори-дармонларни ўз вақтида қабул қилиш зарур.

Лекин албатта, шифокор назорати керак. Асоратланган ёки сурункали гайморитларда жароҳлик усулини ҳам қўллашга тўғри келади.

## Бурнаки фойдами ёки зарар?

Бурнаки ўти халқ табобатида гайморитни даволашда кўп қўлланади. Ҳатто, шу усул билан соғайиб кетган бир неча беморларни ҳам кўрганмиз. Аммо тиконли бу ўтни хидлаш айрим кишиларда кучли аллергия реакция келтириб чақариши ҳам ҳеч гап эмас. Баъзан умуман аллергияга мойиллиги бўлмаган кишилар ҳам аллергияга чалиниб қолиши мумкин. Буни олдийроқ тушунирадиган бўлсак, мурчи хидлаганда канча аксирамиз, бурнаки ундан юз баробар кучлироқ. У сунъий равишда аллергия чақиради. Кучли аксирганда йиринглар

чиқиб кетади, дейишади. Лекин йирингни чиқаришни осонроқ, асоратсиз усуллари ҳам бор. Шахсан шифокор сифатида бу усулни ёқламайман.

## Дарров ванна қилинг

Касалликни даволагандан кўра олдини олган маъқул. Айтайлик, кўчада анча вақт транспорт пойлаб қолдингиз ва оёғингиздан зах ўтди. Лекин ҳали шамоллаш белгилари сезилмаяпти. Шунга қарамай, ўша заҳоти уйга бориб, оёқни ванна қилиш зарур. Бунинг учун шифокор маслаҳати шарт эмас. Сут ёки иссиқ лимон чой ичиб, бироз ўраниб ётиш ҳам анча фойда беради. Бу усуллари қўллаганда ҳам бурун бита бошласа, шифокорга тезроқ кўриниш керак. Даволаш канча эрта ва тўлиқ олиб борилса, жиддий асоратлар ҳам бўлмайди.

## Болаларда — мумкин эмас

Болаларда бурун бўшлиғининг яллиғланиши этмоздир дейилади. Бу хасталикка олиб келадиган ҳолатлар тишдаги кариес, томоқ оғриғи, гижжалардир. Одамлар орасида бу умумий қилиб гайморит дейилади. Болаларда аслида 7-8 ёшга келиб гаймор бўшлиғи ҳосил бўла бошлайди. Шунинг учун уларда гайморит бўлиши мумкин эмас.

Шахноза РАҲИМХҶАЕВА  
ёзиб олди.

# Асоратлари тўлиқ ўрганилмаган

## Бош мия чайқалганда биринчи ёрдам қандай кўрсатилиши керак?



Бош мия чайқалиши бошга бирор жароҳат етказилганда, балангликдан йиқилганда содир бўлади. Ҳатто бугунга қадар унинг асоратлари тўлиқ ўрганилмаган. Махсус текширувлар натижаси ҳам миянинг зарбдан кейинги ҳолатини, ўзгаришларни кўрсатиб бера олмаслиги мумкин. Баъзи олимларнинг фикрича, қаттиқ зарб таъсирида тўқималар трофикаси (озиқланиши) бузилади ва марказий асаб тизими билан боғлиқлик узилади.

— Бош мияга етган зарб таъсирида инсон ҳушини йўқотиши мумкин, — дейди шифокор Дилфуза ОЧИЛОВА. — Бу киска муддат ёки узок давом этади. Бирок кўп ҳолларда бемор ҳушида

бўлади ва қулочка эшитилаётган турли шовқинлар, бош айланиши, умумий ҳолсизликдан шикоят қиладди.

Жароҳат олгандан сўнг бошнинг энса соҳасида лўкиловчи оғрик, кўнгил айниши ҳам кузатилади, лекин тана ҳарорати кўтарилмайди. Беморда тери рангининг оқариши, нафас олиш ва юрак уришининг тезлашиши, қайт қилиш ҳолатлари кузатилади. Бош мия чайқалгандан сўнг киска муддатларда келиб чиқадиган бу белгилар бир неча кундан кейин ўтиб кетади. Ҳатто бемор жароҳатнинг эртасига аҳволи яхшиланиши сезади. Аммо бош мия чайқалишида кўрув нервлари зарарланиб, бемор кўзини ҳаракатлан-

тирганда оғрик сезиши, қорачиқлар торайиши ёки кенгайиши, асимметрик бўлиши, бир нуктага қараш қийинлашиши мумкин.

## Ёруғлик ва шовқиндан кўрқиш

Орадан бироз вақт ўтгач, бемор зарб таъсирида бошка белгиларни ҳам сеза бошлаши мумкин. Масалан, ёруғлик ва баланд товушлардан кўрқиш. Бунга сабаб бош мия жароҳатлангандан кейин қорачиқ мушакларини бошқарувчи нерв зарарланади ва тушаётган нурга таъсирчанлик ортиб кетади. Эшитув нервининг эзилиши ҳисобига турли шовқинларга ҳам сезувчанлик ошиб кетади. Ҳиссиётларни бошқарувчи марказларнинг зарарланиши инжиклик, кайфиятнинг ўзгаришчанлиги, ҳаракат қилишга иштиёқ йўқолишига олиб келади. Уйқусизлик, тунда ўз-ўзидан уйғониб кетиши эса бош мияда қон айланишининг бузилиши, стресс ва депрессияни келтириб чиқаради. Баъзан бемор жароҳат олишдан аввал нима бўлганини эслай олмайди, зарб қанчалик кучли бўлса, хотира ҳам шунчалик пасаяди. Жараёнларни эсда сақлаш ва уларни эсга тушириш бир неча босқичда амалга оширилади.

## Биринчи ёрдам

Агар бош мия жароҳатланган бўлса, зудлик билан тез тиббий ёрдамга мурожаат қилиш керак. Улар келгунга қадар, беморнинг боши остига баланд бўлмаган ёстиқ қўйиб ётқизиш, оват ва сув бермаслик, тоза ҳаво келишини (ойна очилиб, ёқа тугмалар ечилиди), тинч ҳолатда бўлишини таъминлаш керак.

Агар бемор ҳушини йўқотган бўлса, ҳаракатлантириш, жойидан кўзгатиш мумкин эмас. Уни ўнг ёнбоши билан ётқизилади, чап оёқ ва чап қўл букилади, бошни ўнг томонга буриб, иякни кўкрак қафаси томонга бироз эгиб қўйиш керак. Шундай ҳолатда беморга ҳаво келиши осон бўлади.

## Текширувдан ўтиш керак

Бош мия чайқалиши даволаш факатгина махсус текширувлар ўтказилгандан кейин қатъий тарзда шифокор буюрган тавсиялар асосида олиб борилади. Беморни тинч жойда ётқизиш, жисмоний зўриқлардан чеклаш керак. Белгилар кузатилмаса ҳам, умумий текширувдан ўтиш талаб этилади.

Озода ВАЛИЕВА  
ёзиб олди.

## Улоқни учирган қуюн

Кулқудук овулида Тулкибой чолнинг хангисига етадигани йўқ. Жониворнинг жуссаси анча йирик, салкам отдай келади. Эгаси тўқимга ўтириши ҳамон, кўзлаган манзили томон йўрғалагани-йўрғалаган. Негадир ўша куни муйсафид даштга тезроқ етиб бориш ниятида эди. Уни у ёқда сурув ортидан юрган набираси кутаётганди. Болага аталган егулик хуржуннинг ичида. Айни туш пайти. Ҳаво димик. Иссиқ жонни азобга қўяди. Чолнинг нигоҳи далада чапиб юрган улоқчага қадалди. Бечора айни иссиқ забтига олган махали бийдай далада нима қилиб юрибди экан? Хойнахой, онасини йўқотиб, адашган кўринади.

Шу маҳал Шарқдан бостириб келган қуюн айлана хосил қилганича гарамларни чирпирак қилиб учирди. Гувуллаб аллақандай ғалати овоз чикарди. Азбаройи кўрқиб кетган улоқча маъраганича олдинга қараб югурди. Худди шуни кутиб тургандек қуюн улоқчани қувиб етди. Жониворни айлантириб ўради-да, осмону фалакка кўтарди. Чолнинг ранги



оқариб кетди. Болалигида бобоси нукул қуюн ичида қолган одам девона бўлиб қолади, дегани ёдида. Ўша кезларни эслаб анча пайтгача қуюн ортидан қараб қолди. Сўнг «эх, қудратингдан, шунақаси ҳам бўлар экан-да», дея ўзига-ўзи пичирлаб қўйди. Унинг сўзларини уясидан чиққан юморкозик гўғри, дея тасдиқлагандек бош ирғитди. Тулкибой чол табиатнинг бу ишидан лолу хайрон эди. Айниқса, уни қуюн учирган ожизгина улоқчанинг тақдири кўпроқ ўйлантирарди. Мени ҳам ажина чалиб кетишига бир баҳа қолди, дея Яратганга шукрона келтириб қўйди.

Улғубек ЖУМАЕВ

## МАСЛАҲАТ

## Буюмларни янгидек сақлаш

Агар чойнак ичида курум сақлиниб қолган бўлса, сирка ва сув 1:1 аралашмасида йўқотса бўлади: аралашма чойнакка солиниб қайнатилади.



Тахтақачлар доимо тоза сақланиши лозим. Идишларни юваётганда, энг аввал, тахтақачларни махсус ювиш воситаси билан чайиб ташланг. Сўнг қолдиқлар яхши кетиши учун яримта лимон билан артиш керак. Учинчи босқич тахтақачни олиб бир дақиқага микроўлжинли печда қолдириш наф беради.

Пичоқлар ўтмаслашиб қолмаслиги учун уни ҳеч қачон қайноқ сувда ювманг. Шунингдек, қошиқ ва пичоқларни алоҳида сақлаш лозим. Уларни ишлабтиб бўлгандан сўнг кам миқдордаги тузли эритмага ярим соатга солиб қўйинг.



## ҲИКМАТ

Ўз эрининг фикру хаёлини банд этган орзу-ҳаваслардан бегона яшаган, уларни рўёбга чиқаришга интилмаган аёл, бор-йўғи эркакнинг хуштори, тежамкор бека, энагадир, лекин хотин деб аталган олижаноб сўз замиридаги ҳақиқий аёл эмас...

Александр ГЕРЦЕН

## Эълон!

«Хунарманд» уюшмаси Қуйи-чирчиқ туман бўлимининг Тошкент вилояти Адлия Бошқармасидан рўйхатдан ўтган №707 п-сонли гувоҳнома БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

## Реклама

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА  
ЯНГИ БОСҚИЧГА  
ЧИҚАЁТГАН  
ҚИЛИЧБОЗЛИК

I OPEN CENTRAL ASIA FENCING  
CONFEDERATION CHAMPIONSHIP,  
JUNIORS & CADETS  
FEBRUARY 15-17, 2019, TASHKENT

Бугун минтақамизда қиличбозлик спорти жадал ривожланмоқда. Шунинингдан олган ҳолда, қолаверса, миллий федерациялар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада юқори поғонага кўтариш мақсадида Марказий Осиё мамлакатлари қиличбозлик Федерациялари раҳбарларининг 2018 йил 17 ноябрдаги йиғилиши қарорига асосан, Марказий Осиё Қиличбозлик Конфедерацияси ташкил этилган эди.

2019 йил 25 январь куни эса Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Афғонистон, Тожикистон, Туркменистон, Қозғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон қиличбозлик федерацияларини бирлаштирувчи Марказий Осиё Қиличбозлик Конфедерациясини давлат рўйхатидан ўтказди.

Эътиборлиси, мазкур Конфедерациянинг қароргоҳи Тошкент шаҳри этиб белгиланди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки юртимиздаги қиличбозлик мактаби

минтақада энг кучли деб эътироф этилади. Мамлакатимизда ўтган йиллар давомида кўплаб чемпионлар етишиб чиқди ва бу давом этмоқда. Таъбир жоиз бўлса, бу ўзига хос анъанага айланган. Демак, Тошкент шаҳрида бундай йирик спорт ташкилоти қароргоҳининг жойлашиши — бу бизга, спортчиларимизга билдирилган юксак ишонч.

Марказий Осиё Қиличбозлик Конфедерациясининг асосий фаолияти йўналишлари кенг оммалаштириш, ушбу спортнинг нуфузини янада оширишдан иборат. Шунингдек, Конфедерация Халқаро қиличбозлик федерацияси (FIE)нинг бошқа субъектлари бўлган қиличбозлик Федерациялари билан ўзаро алоқалар ва ҳамкорликни йўлга қўйиш вазифаларини амалга оширади.

Ишонамизки, ўз олдида ана шундай эзгу, катта мақсадларни кўзлаб ташкил топган Конфедерация тез орада қиличбозлик спортида минтақамизда янги саҳифа очади.

ТОШКЕНТДА МАҲОРАТЛИ  
ҚИЛИЧБОЗЛАР  
БЕЛЛАШУВЛАРИ!

2019 йил 15-17 февраль кунлари  
Тошкентда Марказий Осиё қиличбозлик  
Конфедерациясининг ўсмирлар ва кадетлар  
ўртасида I очик чемпионати бўлиб ўтади.

Шу муносабат билан барча қиличбозлик спорти  
ихлосмандларини ушбу халқаро мусобақалар  
бўлиб ўтадиган пойтахтимиздаги Гимнастика  
спорт саройига таклиф қиламиз!

OILA  
DAVRASIDA  
Iltimoly-oyiyotiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

«Оила даврасида» газетаси  
таҳририяти» масъулияти  
чекланган жамияти

Бош муҳаррир  
Ҳусниддин БЕРДИЕВ

## МУАССИСЛАР:

Фукарларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши  
Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;  
Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси;  
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;  
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;  
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;  
«Матбуот тарқатуви» акциядорлик компанияси;  
Акциядорлик тижорат «Алоқабанд»;  
«Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази.

Газета таҳририят компьютерида терилди ва саҳифаланди.

Газетага интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.  
Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўйхатга олинган.  
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Тўрон кўчаси, 41.

## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Танзила Норбоева, Қаҳрамон Қуронбоев, Шавкат Жавлонов,  
Қудратилла Рафиқов, Коммуна Ирисбекова, Дилором  
Тошмухамедова, Ином Маждидов, Элмира Боситхонова, Мизроб  
Бўронов, Муродулло Холмухамедов, Мухаммадjon Қуронов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темури 1-тор кўчаси, 2-уй.  
Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Навбатчи — Г. Мирраҳмолов  
Саҳифаловчи — И. Болтаев

Буюртма: г-237 ISSN 2181-6190 Обунда индекси — 193  
Адаби: 3015 нусха. Нархи: келинув асосида.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табак.  
Офсет усулида босилган.

Чоп этишга топширилди: 19:00

